



БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА БАНДЛИК ДАСТУРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятида аҳоли бандлигини таъминлашга доир таклифлар тақдироти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари вилоятларга таширфлари чоғида биринчи галда ишсизлик масаласига эътибор қаратиб, уни камайтиришни асосий вазифа қилиб қўяди. Бу борада барча ҳудудларда манзилли дастурлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда Бухоро вилоятида 1 миллиондан зиёд меҳнатга лаёқатли аҳоли бўлиб, шундан 76 минг нафари ишсиз. Ҳар йили меҳнат бозорига 37 мингга яқин ёшлар кириб келмоқда. Буларнинг ҳаммасини инобатга олиб, Бухоро вилоятини 2023-2025 йилларда аҳолиси тўлиқ иш билан таъминланган ҳудудга айлантириш мақсад қилинган.

Бунинг учун имкониятлар етарли. Масалан, пахта-тўқимачилик ва ғаллачилик кластерлари. Бухорода 11 та шундай ташкилот бўлиб, улар томонидан саноат ва қишлоқ ҳўжалигида 94 мингта, шу жумладан, касаначиликни ривожлантириш орқали 19 мингта иш ўрни очилиши мўлжалланмоқда.

Маҳаллаларда саноат, ҳунармандчилик, касаначилик, чорва-

чилик, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишларида 57 та микро-марказ, ишсизлик юқори бўлган 98 та маҳаллада кичик тикув цехларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда 15 минг гектар экин ерларини қайта фойдаланишга киритиш имконияти ҳам бор. Бу ерлар янги деҳқон ҳўжаликлари ташкил этиш учун аҳолига очик электрон танлов асосида тақдим этилади. Шунингдек, давлат активларини аукционга чиқариш, уларнинг негизда иш ўринларини қўпайтириш бўйича таклифлар билдирилди.

Умуман, ушбу чора-тадбирлар натижасида жорий йилда 250 мингта иш ўрни яратилиши қайд этилди.

Тақдиротда Ҳиндистон билан ҳамкорликда Қорақўл туманида IT-кластер ташкил этиш лойиҳаси ҳақида ҳам ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур таклифларни маъқуллаб, қўшимча топшириқлар берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги илохотларни изчил давом эттириш, жумладан, бошқарувни такомиллаштириш, соҳани ривожлантиришнинг келгуси истиқболларини белгилаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида:

1. Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази **Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти** (кейинги ўринларда — Институт) этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: **соғлом турмуш тарзини** шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликларга қарши курашиш ҳамда олдини олиш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

3. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, зарарли одатларга қарши курашиш, аҳолининг барқарор тиббий маданиятини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

илғор ва мақбул хорижий тажриба асосида соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг устувор йўналишлари, ўрта муддатли ва узоқ

муддатли ривожланиш сценарийлари ва стратегиялари бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

тиббий статистикани шакллантириш ва юритиш, статистик кўрсаткичларни шакллантиришда халқаро стандартлар ва методикаларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, тиббиёт соҳасидаги статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва сақлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш.

Белгилансинки, 2024 йил 1 январдан Институт ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ғимоя қилиш шартларига қўра, тегишли равишда, **Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқарув органлари ходимларига тенглаштирилади.**

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Институт билан биргаликда **икки ой муддатда 2024-2026 йилларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўғри овқатланишни тизимли тарғиб қилиш ва оммалаштириш дастурини** ишлаб чиқсин ва унда, жумладан, қуйидагиларни назарда тutsин:

соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган йилига **25 тагача** промо-роликлар, дастур ва телекурсувлар тайёрлаш;

уяли телефон фойдаланувчиларига касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзи асослари бўйича **ҳар куни** қисқа хабарлар (SMS) юбориш;

журналистлар ва бошқа матбуот вакиллари ўртасида ҳар йили **“Соғлом турмуш тарзи бўйича йилнинг энг яхши тарғиботчиси”** танловини ўтказиш;

бозорлар, самолёт, поезд, автобус, метро, супермаркетлар ва фуқаролар оммавий йиғиладиган бошқа жойларда соғлом турмуш тарзи бўйича **роликлар** намоиш қилиш, **радиомаслаҳатлар** тақдим қилиш ва **буклетлар** тарқатишни таъминлаш.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқаро ташкилотлар ва хорижий консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда **2023 йил якунига қадар** илғор хорижий тажриба асосида қуйидагиларга асосий эътиборни қаратган ҳолда **“Аҳоли саломатлиги — 2030” миллий стратегияси** ишлаб чиқишини таъминласин:

аҳолини максимал қамраб олган ҳолда **бирламчи тиббий-санитария хизматини** унга янада яқинлаштириш;

фуқароларнинг **соғлом турмуш тарзини**, соғлом овқатланишини ва жисмоний фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларни аҳоли орасида **ҳар томонлама тарғиб қилиш**;

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг бу борадаги эҳтиёжларини қондириш;

ихтисослашган тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш;

соғлиқни сақлаш тизимини **тўлиқ рақамлаштириш**, қоғозбозликка, асосиз бюрократияга ва навбатларга чек қўйиш, аҳолига тиббиёт муассасаларига мурожаат қилганида қулайликлар яратиш;

замонавий ва самарали **бошқарув усуллари**ни жорий қилиш ва **тиббий хизматлар сифатини** ошириш;

кадрлар салоҳиятини ошириш, тиббий таълим ва илм-фанни ривожлантириш;

хусусий секторни ривожлантириш ва **инвестицияларни жалб қилиш** ҳамда йирик **давлат-хусусий шериклик** лойиҳаларини амалга ошириш;

тиббиёт муассасаларининг **моддий-техника базасини мустаҳкамлаш**;

фармацевтика тармоғини самарали тартибга солиш.

5. Қуйидагилар Соғлиқни сақлаш вазирлиги **тузилмасига ўтказилсин:**

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги;

2024 йил 1 январдан Давлат тиббий сугуртаси қамғармаси.

▶ Давоми 2-бетда



ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ОВҚАТЛАНИШ СИФАТИ

САМАРҚАНД ШАҲРИДА МАЗКУР ГЛОБАЛ МАСАЛА
БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШ БОШЛАДИ



Бозорлар глобаллашуви ва дунё аҳолиси ўсиши давом этар экан, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж ошиб, таъминоти ҳам мураккаблашиб бораверади. Ҳар бир мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини тартибга солиш бўйича ўз тартиблари, қонунлари ва амалиётини белгилайди. Бу қоидалар бошқа давлат ва минтақалар талабларидан фарқ қилиши мумкин. Демак, маҳсулотларни ташкил бозорга олиб чиқиш озиқ-овқат хавфсизлиги ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ғимоя қилиш қонунларига қатъий риоя қилишни талаб этади.

Озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлиги ҳар доим кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий, демографик ва экологик омилларга боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда дунё бозорларида юзага келган кескин

тебранишларнинг ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга салбий таъсирини камайтириш мақсадида озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш сифатини сезиларли даражада яхшилаш,

аҳоли саломатлиги учун қўлаб хавф омилларини камайтириш имконини берадиган бир қатор муҳим чора-тадбирлар қабул қилинди.

▶ Давоми 3-бетда



ФИКР

ТАЪЛИМНИНГ КАЛИТИ НУТҚ, ТАРБИЯНИКИ ЭСА ХУЛҚ

Таълимдаги самарадорлик ўқитиш сифатига боғлиқ. Шу ўринда бир қарра билим бериш икки қарра ўз устида ишлаш эканини ҳам унутмаслик зарур. Зотан, таълим беришнинг ўзига хос машаққати ва роҳати билан бирга муҳим усул ва услублари бор. Билиш бошқа, уни етказиш ва амал қилиш мутлақо бошқа. Илму амал бирлиги бўлмаса, самара ҳақида гапириш мумкин эмас. Сифатли таълим масаласи, аввало, интеллектуал салоҳиятга эга, замонавий билим ва технологиялардан хабардор, теран тафаккурли, дунёқараши кенг муаллимга боғлиқлиги айни ҳақиқат.

▶ Давоми 5-бетда



ДАХЛДОРЛИК

ЮТУҚЛАР ЎЗИМИЗНИКИ, КАМЧИЛИКЛАР-ЧИ?

Уларни ҳам бегона кўрмай,
тузатиш зиммамизда

Шу йил 28 август куни янги ўқув йили арафасида мактаб таълимидаги масалаларни муҳокама қилиш ва устувор вазифаларни белгилаб олиш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ўқувчилар ўрнини қўпайтиришга алоҳида тўхтаб ўтилди. Келгуси йилда инвестиция дастури доирасида мактаблар қурилишига 3 триллион сўм ажратилиши, бунинг ҳисобига 150 минг янги ўқувчи ўрни яратилиши айтилди.

▶ Давоми 5-бетда



НУҚТАИ НАЗАР



Дастлабки савдолар нималардан далолат бермоқда?

Жаҳонда глобал интеграция ва халқаро рақобат кучайиши шароитида ҳўжалик юритувчи субъектлар, иқтисодиёт тармоқлари ўртасида капитални жамлаш ҳамда қайта тақсимлаш функциясини бажарувчи қимматли қоғозлар бозорининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жумладан, сўнгги йилларда давлат мулкни хусусийлаштиришнинг урф бўлаётган замонавий турларидан бири — IPO (Initial Public Offering), яъни акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш ривожланган мамлакатларда компаниялар томонидан инвестицияларни жалб қилишнинг асосий манбаи сифатида фойдаланилаети.

▶ Давоми 4-бетда



ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

БУ ЕРЛАРДА ЯШАШНИНГ завқи бўлакча

Чўл дейишга тил бормайди

Ўтган асрнинг ўрталарида қум барханлари ўрнида бунёд этилган Ёзёвон тумани ҳақида гап кетса, “қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуяди”, дея таъриф берилган. Бу бежиз эмас. Марказий Фарғона ерларининг қоқ марказида жойлашган бу ҳудуднинг иссиқ ҳарорати, изғиринли куз-қишида жон сақлашининг ўзи амримаҳол бўлган.

Яхши умидлар, эзгу мақсад йўлида бу ерни Ватан тутган ёзёвонликлар чўл ерларни ўзлаштириб обод масканга

айлантирди. Эндиликда бу жойларни “чўл” дейишга тил бормайди.

Кенг ва раvon йўллар, замонавий ишлаб чиқариш тармоқлари яратилди. Халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида амалга оширилаётган бунёдкорликлар нафақат туман маркази, балки чекка қишлоқларда ҳам бўй кўрсатмоқда. Обод қишлоқ ва маҳаллалар, хизмат кўрсатиш соҳалари муҳассам бўлган мажмуалар, спорт, дам олиш иншоотлари, боғча, мактаблар, қўйингки, аҳоли кундалик ҳаёти учун муҳим бўлган шарт-шароит яратилмоқда.

▶ Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

6. Белгилансинки: мазкур Фармоннинг 5-бандида кўрсатилган муассасалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасига **мустақил юридик шахс мақоми** ҳамда улар фаолиятини **молиялаштиришнинг амалдаги манбалари ва тартибини** сақлаб қолган ҳолда ўтказилади;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги **фармацевтика сановати** барқарор ривожланиши учун **жавобгарлиқни тўлиқ** зиммасига олади;

Давлат тиббий сугуртаси жамғармасининг кузатув кенгаши тиббий ёрдамнинг касфолатланган ҳажми доирасида тиббий хизмат кўрсатиш учун жалб қилинадиган етказиб берувчилар (давлат ва нодавлат)ни, харид қилинадиган тиббий ёрдамлар ҳажмини **мустақил белгилайди** ва ўз бюджетини шакллантиради;

Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси **2027 йил 1 январдан** Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидан чиқади ва **мустақил жамғарма сифатида** фаолият юритади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисоби-га имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича тасдиқланган стандартларга мувофиқ тиббий хизматларнинг базавий нархлари **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** томонидан **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** ҳамда **Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси** билан келишган ҳолда белгиланади;

соғлиқни сақлаш вазири ва Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси ижрочи директори **2026 йилнинг якунига қадар** тиббий сугуртанинг республика бўйлаб **тўлиқ жорий этилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.**

7. **2024 йил 1 январдан** Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида **қуйидаги**

ларни бирлаштириш орқали **юридик шахс мақомига эга бўлмаган Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси** (кейинги ўринларда — Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси) ташкил этилсин;

Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси;

Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси;

Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси;

Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси.

8. Қуйидагилар 2024 йил 1 январдан Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси маблағларини **шакллантириш манбалари** этиб белгилансин:

Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган **350 миллиард сўм** миқдоридagi маблағлар;

спинал мушак атрофияси ташхиси **қўйилган болаларга** тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш харажатлари учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

иқтидорли ва малакали **тиббиёт мутахассисларини** қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш учун Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган **50 миллиард сўм** миқдоридagi маблағлар;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасалар ва ташкилотларнинг бўш турган бинолари, кўчмас мулк объектлари ва ер участкаларини оммавий савдолар (аукционда сотишдан тушадиган маблағларнинг республика бюджетига ўтказиладиган **50 фоизи**;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг

моп-мулкни ижарага беришдан тушадиган **тушумларнинг**, Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказининг операцион харажатларини чегириб ташлаган ҳолда, маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган **100 фоизи**; халқаро молия институтларининг, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг **грантлари ва техник кўмак маблағлари**;

Ҳазначилик хизмати кўмитаси томонидан Тиббиётни ривожлантириш жамғармасининг вақтинча бўш маблағларини **тижорат банклари депозитлари**га жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг **хонимлиқ хайриялари**;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган **бошқа манбалар.**

9. Белгилансинки, **Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси маблағлари қуйидагиларга сарфланади:**

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббиёт муассасаларининг **моддий-техника базасини** мустаҳкамлаш, дастурий маҳсулотлар сотиб олиш ва ахборот-коммуникация тармоқларига техник хизмат кўрсатиш; тиббий асбоб-ускуналар, компьютерлар, планшетлар, мультимедиа ва тармок қурилмалари, дастурий таъминотларни **харид қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини** кенг жорий қилиш ва ривожлантириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббиёт муассасаларининг **ҳодимларини хорижда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш**, шунингдек, ўқитиш, малака ошириш ва тажриба алмашишни республикада ташкил этиш учун **хорижий мутахассисларни** жалб этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш

вазирлиги тизимидаги муассасалар ва ташкилотларнинг **кадрлар салоҳиятини** мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни молиялаштириш;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича **юқори технологик мураккаб операцияларни** амалга ошириш учун **мутахассисларни**, шу жумладан, **хорижий мутахассисларни жалб қилиш**;

маҳаллий ва хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги **кенг куламли вазифаларни** амалга ошириш мақсадида экспертлик гуруҳи фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларини капитал ва жорий таъмирлаш, **куриш ва реконструкция қилиш**, уларга асбоб-ускуналар, дори воситалари, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини харид қилиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосида оғир касалликка чалинган **етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг** республикада амалга оширилмайдиган жарроҳлик амалиётларини хорижий мамлакатларда ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга республика ҳудудидagi **давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларининг** юқори технологик ташхис ва даволаш-профилактика хизматларини харид қилиш харажатларини қоплаш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ҳодимларини **ўқитиш, қайта тайёрлаш ва стажировкасини** ташкил

этиш, шу жумладан, хорижий мамлакатларга ташрифларини, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этишини, хизмат сафарига юборилишини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

олий ва ўрта тиббиёт таълим муассасаларининг **иқтидорли талабаларига махсус стипендиялар** тўлашга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш;

Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси ва унинг дирекцияси, шунингдек, Институт ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятини ташкил этиш ва **қўллаб-қувватлаш** билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қаратилган бошқа тадбирларни ҳамда **соғлиқни сақлаш соҳасида** олиб борилаётган **ислохотларни** амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш.

10. **2024 йил 1 январдан** Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати тузилмасида вазирлик бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси дирекцияси** ташкил этилсин.

11. Белгилансинки:

Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси мазкур Фармонда назарда тутилган бирлаштирилаётган жамғармаларнинг **барча мажбуриятлари ва даромадлар манбалари** бўйича **ҳуқуқий вориси** ҳисобланади;

Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси маблағлари унинг кузатув кенгаши қарорига асосан қатъий равишда ушбу Фармонда кўрсатилган **йўналишларга** сарфланади;

Тиббиётни ривожлантириш жамғармасининг жорий молия йилида фойдаланилмаган (ўзлаштирилмаган) маблағлари кейинги молия йилига ўтказилади.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги **бир ой мuddатда** **Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низоми**н ҳамда унинг кузатув кенгаши таркибини тасдиқласин.

Бунда, Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфлашнинг **шаффоф тартибини**, унинг даромадлари ва харажатлари тўғрисида ҳисобдорлиқни, шунингдек, фаолиятининг **очиқлиги ва ошқоралигини** таъминлаш масалаларини назарда тутиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартаришлар киритилсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда **бир ой мuddатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Ш.Иноятов зиммасига юклансин.

“ЎЗБЕКИСТОН — 2030”

ЕТТИ ЙИЛДА 25 ФОИЗГА...

БМТнинг жаҳонда чўлланиш ва қурқоқчиликка қарши курашиш бўйича ҳисоботига кўра, 2050 йилга бориб, қурқоқчилик дунё аҳолисининг тўртдан уч қисмидан кўпроғига таъсир қилади.



Олтиной МАМИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Жаҳон табиий ресурслар институтини ва Буюк Британиянинг “Economic Intelligence Unit” ташкилоти тадқиқотларига кўра эса 2040 йилга бориб, сув танқислигига энг кўп учраши тахмин қилинаётган 33 давлат орасида Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ҳам бор.

Эътиборли жиҳати, Марказий Осиёда сувнинг 80 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ишлатилади. Шу боис, Ўзбекистонда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида сув тежовчи технологиялардан самарали фойдаланиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон халқаро даражадаги тадбирлар ва минбарларда сув танқислиги ҳамда экологик муаммоларни биргаликда ҳал этишга қаратилган қатор ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси бешта устувор йўналишининг учинчиси ҳам айнан сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган мақсадларни ўз ичига олган. Хусусан, лойиҳада сув ишлатиш самарадорлигини 25 фоиз ошириш мақсадида барча экин майдонларини тўлиқ сув тежайдиган технологияларга, ички сўғориш тармоқларининг 50 фоизини ёпиқ қувурли сўғориш тизимларига ўтказиш кўзда тутилган.

Сув етказиш тизимига илғор хорижий тажрибани кенг жорий қилган ҳолда тупроқ қопламали каналларни бетон қопламага ўтказиш бўйича етти йиллик чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади. Республиканинг узоқ мuddатга мўлжалланган сув ресурслари балансини ишлаб чиқиш ва унинг устидан доимий мониторинг ўрнатиш тизими жорий этилади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган сувнинг асосий қисми қўшни давлатлар орқали кириб келади. Шу боис, стратегияда қўшни давлатлар билан сув ресурслари ва давлатларо сув хўжалиги объектларидан биргаликда фойдаланиш масалаларида икки тарафлама манфаатли ҳамкорликни фаол давом эттириш белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, қишлоқ хўжалигида сув тежайдиган сўғориш технологияларини жорий қилиш орқали сўғориладиган майдоннинг ҳар бир гектарига бериладиган сув маҳсулдорлиги оширилади. Ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш орқали 1 метр куб сув билан сўғориладиган ер майдонидан 3,7 доллар миқдорида даромад олишга эришилади.

Судан самарали фойдаланишда замонавий бошқарув тизимининг ҳам ўрни юқори. 2030 йилгача камида 100 та йирик сув хўжалиги объектида автоматлаштирилган бошқарув тизimini жорий қилиш, ирригация соҳасига хусусий секторни жалб қилиш, давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг қўллаш ҳисобиغا хусусий инвестициялар оқимини қўпайтириш мақсад қилинган.

Умуман олганда, мўлжалланган стратегия доирасида келгуси етти йилликда нафақат ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, балки минтақа ва глобал даражадаги экологик барқарорликлар таъсирини ўз вақтида бартараф этиш ва қишлоқ хўжалиги бошқаруви самарадорлигини ошириш орқали аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

ХУДУДЛАР ҲАЁТИ

— Маҳалламизда бўлаётган ишларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Йўллар таъмирланиб, маиший хизмат кўрсатиш объектлари қуриляпти. Бошқача айтганда, аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш учун барча имкониятлар яратилмоқда. Тан олиб айтишим керак, бир қуни маҳалламизда шундай ишлар бўлиши хаёлимга ҳам келмаган, — дейди Конимех туманидаги “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бекмурод Избосаров.

Қизилқум кентликларида жойлашган Конимех туманида бундан бир неча йил илгари меҳмон бўлган киши унинг бугунги ўзгаришларидан лол қолади. Халқнинг турмуш тарзи энди бошқача. Равон йўллар, кўркам бинолар, чароғон кўчалар. Сув, электр энергияси, газ таъминотида камчиликлар йўқ. Ҳар бир маҳаллада бунёдкорлик авжида. Биргина “Обод маҳалла” дастури асосида “Юксалиш” маҳалласи буткул янги қиёфа касб этяпти. Мухандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари қурилиб, аҳоли учун қўллаб қулайликлар яратилмоқда. Электр энергиясини узлуқсиз етказиб бериш мақсадида янги трансформаторлар ўрнатилиб, ҳаво электр узатиш тармоқлари ҳам капитал таъмирланяпти. Бир вақтлар эскириб, яроқсиз аҳволга келиб қолган симёғочлар замонавий таъяч устунларга алмаштирилди.

Туман марказининг чекка ҳудудидagi Оқтепа маҳалласида анча йиллардан бери ичимлик сув муаммо эди. Айни вақтда маҳаллага ичимлик сув тармоғи

тортилаётганидан аҳоли мамнун. Албатта, инсон ҳам, экин ҳам, чорва ҳам сув билан тирик. Тумандаги ҳар бир маҳаллани “Обод маҳалла” дастури асосида ичимлик сув билан таъминлаш чоралари қўрилиб, қувурлар тортилмоқда.

— Чўл ҳудудидagi овуллар аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар қўриляпти. Айни пайтда 10 километрга тармок тортилиб, бир неча овулга ичимлик сув етказиш ишлари давом этмоқда. Сахро қўйнидаги овулларга бир кун келиб, тоза ичимлик сув тармоғи олиб келинишига яқин-яқингача ҳеч ким ишонмаган эди. Ҳозир ана шундай хайрли ишларнинг гувоҳи бўлиб туришибди, — дейди “Навойи сув таъминот” МЧЖ Конимех туман бўлими раҳбари Шароф Қурбонов.

Бийдай чўл деб хаёл қилиб йўлга чиқсангиз, равон йўлу, сахродаги марвариддек овуллар ҳайратингизни оширади.

Қўмтепалар ҳамда саксовулзорлар орасидаги овулларда аҳоли асосан, чорвачилик билан шуғулланади. Бундан 65 йил аввал ташкил этилган Қарак ата овули бир вақтлар чўл ҳудуди ҳисобланган. Ҳозир бу овул ҳудуди ўзгача қиёфа касб этган. Шаҳарликлар ҳам ҳавас қилadиган кафтдек текис йўллар ва унинг икки четидаги кўрсаткичлар, тунги чироқлару, қор атрофдаги иншоотлар билан янада гўзаллашган. Тўғриси, бу манзараларни кўриб, дилнингиз яйрайди.

Тумандаги Наврўз маҳалласида ҳам айни вақтда қурилиш-бунёдкорлик ишлари авжида. Ҳудудда қўп қаватли уйлар барпо этилмоқда. Қончилар шаҳарчаси дея ном олган Зафаробод

қўрғонида ҳам янги бинолар, кўплаб иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топшириляпти. Мавжуд қўп қаватли уйларда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

Конимехда биргина ўтган йилда тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 90 миллиард сўмлик 37 та инвестиция лойҳаси ишга туширилиб, 377 та янги иш ўрни яратилди. 10 та экспортёр корхона томонидан хорижда 672,5 минг долларлик маҳсулот сотилди. Жорий йилда эса 12 та экспортёр корхона томонидан 1,4 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

— Жорий йилнинг дастлабки опти ойида хорижда 563 минг долларлик маҳсулот жўнатдик. Ҳозир янги лойиҳалар асосида корхоналар сонини қўпайтиришни режалаштирганимиз. Бу орқали тумандаги ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаб, иқтисодий кўрсаткичларимизни оширишни мақсад қилганимиз, — дейди туман хокими ўринбосари Мансур Мавлонов.

Азалдан чорва билан шуғулланган масканда жунни қайта ишлаш корхонасининг очилиши айни муддао бўлди. Мухими, маҳсулот хорижда экспорт қилиняпти. Шунингдек, йирик қувватли қурилиш хомашёсини ишлаб чиқарувчи корхонада кўплаб аҳоли иш билан банд.

— Корхонамиз ишга тушганига беш йил бўлди. Табиий шароитдан келиб чиқиб, заводимизда гипс ишлаб чиқарилади. Асосий ишчиларимиз шу ҳудуд аҳолиси. Ҳозир маҳсулотларимиз ички бозордан ташқари Қозғоғистонга ҳам экспорт қилинмоқда. Келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтириб, бошқа қурилиш маҳсулотлари

ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирганимиз, — дейди корхона иш юритувчиси Гулбаҳор Бўронова.

Олис ҳудудларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш долзарб масалалардан бири. Тумандаги чеварчилик корхонаси бюрторма асосида қўшни давлатларга маҳсулот тайёрлайди. Корхонада 200 дан зиёд конимехлик хотин-қиз иш билан банд. Эътиборлиси, йилга 60 мингга яқин махсус кийимлар тайёрланадиган фабрикада имконияти чекланган аёллар ҳам ишлайди. Маҳсулотлар асосан, Россия ва Қозғоғистонга экспорт қилиняпти.

Туманда ёшлар масаласига ҳам эътибор катта. Ёшлар билан ишлашнинг янги-янча бошқарув механизми жорий этилгани мавжуд муаммоларни маҳалаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини янада оширишда қўл келмоқда. Қўп миллатли туман аёллари учун ҳар бири маҳаллада спорт мажмуалари, фан, касб-хунар, IT соҳалари бўйича тўғараклар ташкил этилган. Жумладан, ҳудуддаги 15 та маҳалла фуқаролар йиғинида 14-30 ёшдаги 9 мингдан зиёд ёш 3 та тоифага ажратилиб, ҳар бири билан индвидуал ишлаш тизими йўлга қўйилган.

— Жорий йилда ёшларимизнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож 560 нафари “Ёшлар дафтарига” киритилган бўлса, ҳозиргача уларнинг қарийб 90 фоизининг муаммолари ҳал этилди. Чорвачилик билан шуғулланишини истаган 100 нафар ёшнинг ҳар бирига 40 гектардан яйлов ажратилди ва уларнинг 37 нафарига банклар томонидан 33 миллион сўмдан имтиёзли кредит берилди, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги Конимех тумани бўлими бошлиғи Ерлан Туремуратов.

Қун сайин ўзгариб, замонавий қўринишга эга бўлиб бораётган Конимехнинг кўркам қиёфаси, бог ва хиёбонлари, олис овулларидаги пана-пастҳам уйлар ўрнида қад ростлаётган замонавий турар-жой бинолари юртдошларимизнинг турмуш тарзини яхшилаш, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун олиб борилаётган ислохотлар самарасидир.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ОВҚАТЛАНИШ СИФАТИ



Нодир ЖУМАЕВ,
иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

 Бошланиши 1-бетда

Жумладан, Президентимизнинг 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони-га мувофиқ, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятини мустақамлаш, таъши иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Шу асосида юртимизда талаб юқори бўлган озиқ-овқат товарларини импорт қилишда тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, таъши иқтисодий фаолият субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур соҳада мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш мақсадида ҳудудларимизда давлат-хусусий шериклик шартларида ихтисослаштирилган омборхона иморатлари, омборлар, музлатиш камералари ташкил этилиб, озиқ-овқат товарларини қайта ишлаш ва қadoқлаш бўйича замонавий юқори технологик, энергия самарадор ускуналар билан жиҳозланди. Ички бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аграр комплексни ривожлантириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шериклигининг таъсирчан механизмларини қўллаш, озиқ-овқат бозори барқарорлигига таъхидларни ўз вақтида бартараф этиш, озиқ-овқат товарлари импортини қўлай божхона-тариф тартибига солиш бўйича чоралар қўрилди.

Олдимизда турган мақсад — мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, соҳага доир масалаларни илмий жаҳатдан урганиш ва амалиётга татбиқ этиш. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни озиқ-овқат билан таъминлаш механизмларини соддалаштириб, улар ўзини ўзи банд қилишга шарт-шароит яратиш муҳим. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётидаги ва аҳоли бандлигининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш, қишлоқларда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг “Дехқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, аҳолига дехқон хўжаликларини ташкил этиш учун ер ажратиш механизми жорий этилди. Ўшбу қарор мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини ва ички бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда аграр соҳада аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали даромадини ошириш, шунингдек, “Бир ҳудуд — бир маҳсулот” тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кенгайтириш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятли ҳисобланади.

Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнгги 2 йилда жами 193 минг гектар ер майдони 643 минг аҳолига ажратилди. Натижада 2,5 миллион аҳоли бандлиги таъминланди, даромад манбаи яратилди. Бунда ижтимоий дафтарларга киритилган 120 минг ҳамда 45 мингдан ортиқ меҳнат мигрантларига ер ажратилиб, иш ва даромад манбаига эга бўлишга қўмак берилди. Ажратилган майдоннинг 58 минг гектарига сабзавот, 27 минг гектарига полиз, 22 минг гектарига картошка, 26 минг гектарига дуккакли, 6 минг гектарига мойли, 20 минг гектарига доңли ва бошқа экинлар экилди.

Ўшбу майдонлар ва 108 минг гектарда парвариланаётган тақоррий экинлар ҳисобига 2023 йил якунига қадар 5 миллион тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш режалаштирилган. Тақоррий экин сифатида 36 минг гектар сабзавот, 16 минг гектар картошка, 11 минг гектар полиз, 7 минг гектар мойли, 33 минг гектар дуккакли ва 5 минг гектар бошқа экинлар экилди.

САМАРҚАНД ШАҲРИДА МАЗКУР ГЛОБАЛ МАСАЛА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

2017-2022 йиллардаги статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу даврда озиқ-овқат ва ун маҳсулотлари экспорти 21 баробарга ошганини қўриш мумкин. Шунингдек, сўнгги 6 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти қарийб икки баробар ёки 577 миллион долларга кўпайган. Шу билан бирга, ўзбек мева-сабзавотлари истиқболли савдо бозорларига қиришининг интенсивлиги ошди, хусусан, 54 турдаги маҳсулот учун 50 дан ортиқ янги бозор очилди, бунинг ҳисобига валюта тушуми 133 миллион долларга кўпайди.

Қуввати 67 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш, қуввати 7 минг тонна бўлган саралаш ва қadoқлаш, сўғими 60 минг тонна бўлган совутиш ва қуввати 190 минг тонна бўлган агрологистика марказлари ишга туширилди. Мазкур 33 янги лойиҳанинг умумий қиймати 521 миллиард сўми ни ташкил қилади. Бунинг натижасида 1,8 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилиб, шундан 331 минг тоннаси, яъни 243 миллион долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилди. Бунинг таркибиде қайта ишланган маҳсулотлар ҳажми 21 фоизни ташкил қилди.

2016-2022 йилларда жами 7 миллиард долларлик мева-сабзавот ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари 131 давлатга экспорт қилинди. Унинг таркибиде мева-сабзавот улуши 6,3 миллиард доллар, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари улуши эса 704 миллион долларни ташкил этди.

2023 йилда 1,6 миллиард долларлик, шундан, 1 миллиард 484 миллион долларлик мева-сабзавот, 115 миллион долларлик озиқ-овқат саноати маҳсулотларини экспорт қилиш белгиланган. Бу маррани заёб этишга барча асослар етарли. Жумладан, биргина озиқ-овқат саноати корхоналари сони 2016 йилдаги 9,4 мингтадан 2022 йилда 2,4 баробар кўпайиб, 22,5 мингтага етказилди.

Айтиш ўринлики, мавжуд глобал вазиятдан келиб чиқиб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соҳага бозор муносабатларини жорий этиш бoрасида кенг қўламли ислохотлар дастури амалга ошириляпти.

2017-2022 йилларда қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, қўшилган қиймат занжирини яратиш, соҳада бозор муносабатларини жорий этиш, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш, агрохизматлар тизими ҳамда фермер ва дехқонларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Хўжалик юртишнинг замонавий услуб ва илгор шакллари, жумладан, агрокластерлар, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари (кооперация) ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш орқали юқори даромадли ва экспортбop маҳсулотлар етиштириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришилмоқда.



Соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайитириш ва инвестициявий жोजибадорлиқни ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага бериш бўйича очик электрон танлов натижаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқлаш тартиби бекор қилинди. Натижада ер майдонларини ажратиш инсон омилисиз электрон тизим ёрдамида амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ҳудудларда ер тузиш лойиҳалари доирасида

“E-auktion” электрон савдо платформаси орқали дехқон хўжаликлари ташкил этиш учун ажратиб бериш тизими фаолияти йўлга қўйилган.

Ички бозорда дон нархининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида доннинг бир қисмини 2022 йил июль-сентябрь ойларида биржа савдолари орқали сотиш амалиёти жорий этилди. Фермер хўжаликлари ихтиёрида қоладиган бугдойни вақтинча сақлаш учун дон корхоналарига қабул қилиш ҳамда донни 1 июлдан бошлаб илк бор фермер хўжаликлари ва кластерлар томонидан биржа савдоларига бозор нарҳида чиқариш белгиланди.

Қишлоқ хўжалигига давлат бошқарувини трансформация қилиш ва ислохотларини янада чуқурлаштиришни жаҳон тажрибаси асосида амалга ошириш бўйича халқаро экспертлар жалб этилди. Трансформация жараёнида илмий муассасалар фаолиятини такомиллаштириш, мева-сабзавотчилик, кластер ва кооперацияларни янада ривожлантириш учун Жаҳон банкидан 500 миллион доллар, JICAдан 200 миллион доллар, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасидан (IFAD) 46 миллион доллар имтиёзли кредит жалб этилди.

Республикада “Organic” ва “Global G.A.P.” халқаро стандартлари талабларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш тизимини ривожлантириш белгилаб олинди. Соҳада илм, фан ва инновацияларни ривожлантириш мақсадида Ўсимликлар генетик

“ СТРАТЕГИЯ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР НАТИЖАСИДА БИР ҚАТОР ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ. ЖУМЛАДАН, ЎЗБЕКИСТОН ГЛОБАЛ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ИНДЕКСИ (THE GLOBAL FOOD SECURITY INDEX — GFSI)ДА 12 ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ. 2019-2022 ЙИЛЛАРДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ЭНГ ЮҚОРИ ЎСИШГА ЭРИШГАН 10 ТА МАМЛАКАТ ИЧИДА БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ.

ресурслари илмий-тадқиқот институти ташкил этилди ва “Қишлоқ хўжалиги экинлари генетик ресурслари Миллий генбаңки” фаолияти йўлга қўйилди.

Аграр соҳани ривожлантириш, ислохотларни чуқурлаштириш, рақобатбардош, бозор ва экспортга йўналтирилган сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш мақсадида 9 та устувор йўналишнинг қамраб олган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегия”си қабул қилинди.

Стратегияда белгиланган вазифалар ижроси доирасида 2022 йилда қатор қонун, фармонлар имзоланди. Ҳудудларни



Бундан ташқари, 28 минг гектарда интенсив усулда сабзавот етиштириш йўлга қўйилиб, ҳосилдорлик сабзавотда гектарига 200-300 центнер ва картошкада 1015 центнерга ошишига эришилди.

2017-2022 йилларда 138 минг гектар янги мевали боғлар (шундан 74 минг гектари интенсив) ва 135 минг гектар янги узумзор барпо этилди. Барча тоифадаги хўжалиқларда мевали боғлар майдони 337 минг ва узумзорлар майдони 181,9 минг гектарга етказилди. Мевали боғларда ҳосилдорлик

километр коллектор-дренаж, 728 километр ёпиқ горизонтал ва вертикал дренаж, 1 минг 896 та мелiorатив кузатув қудуғи ва бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилишга киришилди. Шу билан бирга, 5 минг 595 километр магистрал канал, 45 минг 595 километр мелiorация тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб бoриляпти, 518 та насос агрегати ҳамда 807 та электродвигатель янгиланмоқда.

Қишлоқ хўжалигига ресурс тежовчи технологияларни татбиқ этиш, тармоқда мулкчиликнинг янги шаклини жорий этиш ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш қаратилган тизимли чоралар натижасида маҳсулот етиштириш илмлик ўртача ўсиш суръати 2,5 фоизни ташкил этди. 394,3 минг гектар майдон қайта фойдаланишга киритилди, 256,3 минг гектар майдонда сув тежовчи тизимлар ва 146,8 минг гектарда эгилувчан қувурлар жорий этилди. Мамлакатимизда 25 та томчилятиб сoғуриш ускуна ва жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхона (Eco Drip, Agro Drip ва бошқалар) ташкил этилди. Маҳаллийлаштириш даражаси 60 фоизга етказилди ва бир гектар сув тежовчи ускуналар нархи 5 минг доллардан ўртача 2 минг долларга пасайди. Аграр соҳада кластер ва кооперациялар фаолияти ривожлантирилиб, 460 дан ортиқ агрокластерлар фаолияти самарали йўлга қўйилди.

Аграр соҳани жадал рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. 2021-2023 йилларда 6 та ахборот ва геоахборот тизими — “E-IJARA” AAT, Геоахборот тизими, “Агросубсидия” AT, “Rubicon water” AT, “AKIS таълим” AT, “Техникалар реестри” AT ишлаб чиқилиб, фойдаланишга туширилди. Бунда, тизимларнинг лойиҳа-техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ваколатли идораларда экспертизадан ўтказиш қатор вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базаси билан интеграция қилинди.

Аграр соҳани рақамлаштириш бoрасида қарийб 559 минг гектар пахта ва гаппа майдони контурлар кесимида, экин турлари номи ва бошқа маълумотлар рақамли платформага жойлаштирилиб, онлайн мониторинг қилиш имкони яратилди.

Соҳадаги бугунги устувор йўналишнинг асосий мақсади — озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга оширишдан иборат. Устувор йўналиш аҳолини барқарор нархлардаги хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган. Бу эса, Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш мақсадларининг иккинчиси, яъни “Очликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолни яхшилаш ва барқарор қишлоқ хўжалигини тарғиб қилиш”да белгиланган вазифаларга эришишга хизмат қилади. Чунки соғлом ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлигини таъминлаш истеъмолчилар учун ҳам, агробизнеснинг экспорт салоҳиятини ошириш учун ҳам бирдек муҳим аҳамиятга эга.

Алоҳида қайд этиш ўринлики, БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) билан бугунги кунда ер ва сувдан фойдаланиш, агросаноат мажмуи, ўрмон хўжалиги, экология, чорвачилик ва бошқа қўллаб йўналишлар бўйича манфаатли ҳамкорлик қилиняпти. Ўзаро ҳамкорликда озиқ-овқат хавфсизлиги, фундаментал илмий тадқиқотлар, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, Оролбўйининг экологик муаммоларини ҳал қилиш ва бошқа соҳаларда аниқ лойиҳа ва тадбирларни амалга оширишни назарда тутадиган 2030 йилга қадар ҳамкорлик

бўйича янги дастурини ишлаб чиқиш устувор йўналиш ҳисобланади.

Европа Иттифоқи ҳам Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини қўллаб-қувватламоқда. Юртимизда богдорчиликни ривожлантиришнинг энг муҳим лойиҳаси доирасида илмий тадқиқот институтлари объектлари ва лабораторияларини ривожлантириш учун 5,8 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратди. Турли ҳудудлардаги жами 10 та институт замонавий жиҳозлар ва янги технологиялар трансферидан фойдаланди. Бу эса қишлоқ хўжалиги билимлари ва инновациялар тизими салоҳиятини сезиларли даражада ошириш, фермерлар ва агробизнес учун тест хизматлари мавжудлигини таъминлайди.

Ташкилотнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат секторини стратегик қўллаб-қувватлаши глобал миқёсда озиқ-овқат нархлари ва хавфсизлиги билан боғлиқ хавотирлар ортб бoраётган бир пайтда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш бoрасида бир қатор тақлифлари илгари суриб келади. Жумладан, Евроосиё иқтисодий кенгаши ййғилишида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари импорти ўрнини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан фаол эгаллашни рағбатлантириш, “яшил” йўлақлар, шу жумладан, “Евроосиё агрокспресси”нинг тулақонли фаолиятини таъминлаш, илмий-амалий тадқиқотларни биргаликда олиб бoриш ва инновацияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш, мамлакатларимиз агробизнес вақиллари кооперация алоқаларини ривожлантиришни рағбатлантириш бoрасида ташаббуслар илгари сурилди. 2023 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги вазирлари, етакчи ишлаб чиқарувчилар ва озиқ-овқат маҳсулотлари импорт қилувчилари иштирокида “ЕОИИ плюс” форматиде аграр форум ўтказиш тақлиф этилди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш сиёсати ҳар қандай мамлакатда соғлом ва барқарор овқатланиш стандартларини ўрнатиш учун зарурдир. Мактаблар, шифохоналар каби муҳим муассасаларда овқатланишни яхшилаш учун миллий ва субмиллий даражадаги озиқ-овқат харидлари бўйича салоҳиятни оширишимиз керак. Чунки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва соғлом овқатланиш аҳоли саломатлиги учун энг жиҳидий таъхидлардан бири ҳисобланган қўллаб қoғмулли бўлмаган касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг учун озиқ-овқат, жумладан, ун маҳсулотини фортификациялаш, тузуни йодлаштириш тизимли равишда амалга оширилмоқда. Соғлом ва тўғри овқатланиш, ортиқча вазн ва семизликни бартараф этиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бoрасида тарғибот-таъшиқот ишлари йўлга қўйилди. Шунингдек, соғлом овқатланиш рақсонига доир тавсияларни қордошларимизга етказиш, турли ёшдагилар учун жиҳозланган машқларни ўргатишни юқори даражага кўтариш мақсадида “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” янги умумимиллий ҳаракатини маҳаллалардан бошлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ва энергетика ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бoраётгани ижтимоий-иқтисодий тизимлар учун жиҳидий синов бўлмоқда. Бу эса, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, глобал логистика ва қўшимча қиймат занжириларини яратиш, соҳага инвестиция ва энг замонавий технологияларни жалб этиш масалалари долзарблигини оширади.

Шундан келиб чиқиб, озиқ-овқатлар макро ва микронутриентларга бойлигини таъминлаш ҳамда маҳсулотлар экспорт геогрaфисини кенгайтириш мақсадида 2030 йилгача 50,4 минг гектарда органик маҳсулотлар етиштириш режалаштирилган. Аҳолини хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини яхшилаш мақсадида ҳайвонлар ва истеъмолчилар орасида қoғмулли касалликлар қўзғатувчиларининг тарқалиш хавфи кескин камайитирилди.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги қўрсаткичларини назорат қилувчи замонавий синов лабораториялари ташкил этилади. Органолептик ва физикавий қўрсаткичлар, кимёвий, микробиологик контoминантлар таҳлиллари, маҳсулотларнинг маркировка ва қadoқланиши бўйича синовлар амалга оширилади. Марказларда “ISO 9001”, “22000”, “Global G.A.P.”, “HACCP”, “HALAL” каби сифатни бошқариш менежмент тизимлари жорий қилинади. Натижада 2030 йилга бoриб, соҳада экспорт ҳажми йилгига ҳозирги 1,6 миллиард доллардан 10 миллиард долларга етказилди.

2023-2030 йилларда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6 миллиард доллардан 12 миллиард долларга етказилади. Озиқ-овқат саноати корхоналари сони 22,4 мингдан 30 мингтага, маҳсулот ишлаб чиқариш асортиментини ҳозирги 1 минг 100 тадан 1 минг 500 тага ошадди. Улар томонидан 7 йилда 5 мингта яқин инвестиция лойиҳалари амалга оширилди ва қайта ишлаш қувватлари ташкил этилади. Озиқ-овқат саноатида шў уринлари сони 110 мингтадан 150 мингтага кўпаяди. Қайта ишлаш қувватлари мева-сабзавотда 3 миллион тоннадан 3,5 миллион тоннага, гўшда 427 минг тоннадан 650 минг тоннага, сўтда 2,4 миллион тоннадан 2,9 миллион тоннага ошадди. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми 8 фоиздан 25 фоизга етказилади. Умумий экспорт ҳажмида қайта ишланган маҳсулотлар улуши 31 фоиз (494 миллион доллардан 40 фоиз (1 миллиард доллар)га ўсади.

 ДАХЛДОРЛИК

ЮТУҚЛАР ЎЗИМИЗНИКИ, КАМЧИЛИКЛАР-ЧИ?

Уларни ҳам бегона кўрмай, тузатиш зиммамизда



Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ, тарих фанлари доктори, профессор

 Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, кам қувватда ишлаётган 61 та коллеж биноси ўрнида мактаблар ташкил қилинишини ҳисобга олсак, бу яна қўшимча 42 минг ўқувчи ўрни очилади, деганидир. Умуман олганда, бу ишлар орқали келгуси йилнинг ўзида 250 минг ёки утган йилдагидан 2 баробар кўп ўқувчи ўрни яратилиши режалаштирилган.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига келгуси йилда 50 та, 2025-2030 йилларда ҳар йили 100 тадан мактаб қурилишига хусусий шерикларни жалб қилиш вазифаси қўйилди. Қолаверса, ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларга муносиб шaroит яратиш борасида ҳам алоҳида дастур тузилиши, ўқитувчиларни ишга қабул қилиш, малакасини ошириш ва тоифа бериш тизими ҳам тўлиқ ўзгариши қайд этилди. Бундан буюн ўқитувчиларга қабул танлов асосида бўлиб, илк бор қабул қилинган номзодлар 1 йил ўқитувчи-стажёр бўлиб ишлайди. Йил якунига қараб касбий сертификат олади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида педагогик таълим бўйича алоҳида кенгаш тузилади. Унга педагогика олийгоҳлари ректорлари билан бирга қатор дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилади. Жумладан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Чирчик давлат педагогика университетида ўқитувчилар Президент мактаби дастури асосида тайёрланади. Бу кийи ОТМ педагогика йўналишидаги институтлар учун таянч олийгоҳ вазифасини ўтайди. Бундай ўзгаришлар педагогика университетлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида тахсил олаётган 2-4-босқич талабаларининг малакавий амалиётини Тошкент шаҳридаги Президент таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги 1 та Президент, 3 та иктисошлаштирилган, 234 та умумтаълим мактаби, 6 та махсус мактаб-интернат, 26 та мактабгача таълим ташкилоти, 3 та академик лицей ва 5 та профессионал таълим муассасасида ташкил этиш бўйича шартномалар тузилади. Албатта, ютуқлар ўзимизники. Аммо олдимизда турган вазифалар кам эмас. Бинобарин, бугун давр шиддат билан ўзгариб, педагогик таълим олдига ўта долзарб ва

мураккаб вазифаларни қўймоқда. Мактабгача ва мактаб таълимини ривожлантириш, инновацион салоҳиятга эга ўқитувчилар тайёрлаш, уларнинг касбий ривожланиши учун зарур шарт-шaroит яратиш, илғор хорижий тажрибаларга асосланган янги ўқитиш усулларини ишлаб чиқиш ва ўқитувчиларнинг методик салоҳиятини узлуksиз ошириб бoриш шулар жумласидан.

Йиғилишда педагогларнинг ўзи дарс берадиган фанлардан билими етарли эмаслиги, педагогик маҳорати пастлиги, ўқувчиларда ўқиш ва ўрганишга қизиқиш уйғотиш учун янги методикалардан фойдаланмаслиги каби ҳолатларга алоҳида ургу берилди. Бу гапларга эътироз билдириб бўлмайди. Чунки ҳаммамиз кўриб турган очик-ойдин ҳақиқат. Шу каби ҳолатларда педагогларга методик ёрдам бериш учун университeтда ташкил қилинган мобиль-методик гуруҳ Тошкент шаҳридаги таълим сифати паст, мухити оғир 30 та мактаб ўқитувчиларига таълим сифатини ошириш ҳамда ўқитишнинг дидактик имкониятларини кенгайтириш бўйича семинар-тренинглр ўтказмоқда. Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги 50 та

қарори мамлакатимизда янги авлод педагогларини тайёрлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Қарор ўта долзарб ва ўзаро ўзвий боғлиқ 3 та вазифа — замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, юқори малакали профессионал кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш, педагогика соҳасида таълим, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш масалаларини самарали ҳал этишни кўзда тутди.

Давлатимиз раҳбарининг “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, шу йилдан бошлаб 2026 йилгача университет халқаро талабаларга мувофиқ трансформация қилинади. ОТМни комплекс ривожлантириш дастури ва мақсадли курсаткичлар ҳам тасдиқланди. Комплекс ривожлантириш дастурида 6 йўналишда 26 та яхлит вазифани бажариш бўйича аниқ чоралар кўзда тутилган. Университетнинг халқаро рейтингларга кириши, узлуksиз таълим тизими билан интеграциясини таъминлаш, хорижий мутахассисларни ўқув жараёнига жалб этиш, янги бино ва иншоотлар қуриш ҳамда жиҳоз-



ва Куйи Чирчик туманидаги 53 та мактабга Кембриж методикаси бўйича сертификатга эга мутахассислар илмий-методик ёрдам кўрсатмоқда. Университeтда фаолият юритаётган юқори илмий-педагогик салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар мактабгача, умумий ўрта, профессионал таълим ташкилотлари учун янги авлод ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини яратишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. 50 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчимиз 18 та умумтаълим фани бўйича синфлар кесимида тайёрланган ва тайёрланаётган дарсликлар муаллифлариدير.

Президентимизнинг 2022 йил 11 майдаги “2022-2026 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонига биноан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилди ва педагогика йўналиши бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқишда етакчи олий таълим муассасаси этиб белгиланди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

лаш каби вазифалар шулар жумласидан. Педагог кадрлар тайёрлайдиган ҳамкор хорижий ОТМлардан 20 нафардан ортиқ етакчи профессор-ўқитувчи, жумладан, Bartin University (Туркия), Bucheon University (Жанубий Корея), Pädagogische Hochschule Freiburg (Германия), Burdur Mehmet Akis Erson University (Туркия), А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети мутахассислари эксперт ҳамда фан дастурларига ҳам-муаллиф сифатида жалб этилди.

Кадрлар истеъмолчилари ўртасида ўтказилган сўровномаларни таҳлил қилиш натижасида “Медиасаводхонлик ва ахборот маданияти”, “Инклюзив таълим. Госпитал педагогика” ва “Узлуksиз таълимдаги тенденциялар ва замонавий ёндашувлар” каби фанлар барча таълим йўналишлари учун фан сифатида таълим йўналиши ўқув режаларига киритилди.

Шунингдек, фанлардан амалий машғулотлар соати кўпайтирилди, матруза ва семинар машғулотлари ўтишда машғулотлар мазмунини буюртмачилар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда замонавий ёндашувлар, технологиялар, замонавий ўқитиш усулларини ёритишга қаратилди. Фанлар сонини номутахассислик фанлар

Жараён

ҳисобига босқичма-босқич камайтириш мақсадида мажбурий фанлар блокида хорижлик мутахассисларнинг таклиф ва тавсияларига, асосан, ҳар бир семестр учун мутахассислик фанлари 3 тадан 5 тагача бўлиши зарурлиги белгиланди. Энг муҳими, ўтган ўқув йилига нисбатан мустақил таълим салмоғини ўн фоиз, яъни назарий/мустақил таълимни 40/60 нисбатда оширишга эришилди.

Педагог кадрлар тайёрлаш ва мактаб таълимини ривожлантириш мақсадини миллий тадқиқотлар натижаларига таянмасдан самарали рўёбга чиқариб бўлмайди. Педагогика соҳасида таълим ва илм-фаннинг ўзаро интеграциясини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат педагогика университети ва Миллий тадқиқот институти ўртасида мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун халқ таълими тизимини такомиллаштириш, педагогик таълим назарияси ва ишлаб чиқариш амалиёти интеграциясини кучайтириш, педагогларни тайёрлаш ва узлуksиз касбий ривожланишини таъминлашнинг долзарб масалалари бўйича биргаликда илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш, илмий конференция, семинар тренингллар, докторлик диссертациялари муҳокамаларини ташкил этиш, ўзаро профессор-ўқитувчилар алмашиниши йўлга қўйиш, илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўйича фаол ҳамкорлик қилиш, ҳаммуаллифликда ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга доир аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Педагогика олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишда касбий йўналтирилган имтиҳонни жорий этиш, талабгорларнинг педагогик касбга қизиқиши ва мойиллигини ўрганиш тизимини яратиш зарур. Тошкент давлат педагогика университетининг қундузги таълим шаклида тахсил олаётган 2-4-курс талабалари учун ҳафталик ўқув машғулотлари “4+2” тартибида, шу жумладан, машғулотлар 4 кун олий таълим муассасасининг ўзида, 2 кун умумий ўрта таълим ташкилотларида амалиёт ўтша тартибида бўлишидан талабалар эгаллаган назарий билимларнинг ўз вақтида амалиёт билан уйғунлигини таъминлаш кўзда тутилган. Яъни бир томондан, талабалар ҳар ҳафта ўзлаштирган билимини ҳаққоний таълим амалиётида қўллаб қўриш орқали фанларни тўлиқ ўзлаштиришга эришса, иккинчи томондан, дуал таълим ва кредит-модуль тизими имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун зарур шарт-шaroит яратилиб, такомиллаштирилмоқда.

Шундай заруратдан келиб чиққан ҳолда мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасалари, соҳада фаолият юритаётган илмий ва малака ошириш ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Педагогик таълимни ривожлантириш бўйича республика кенгаши, шунингдек, университет тузилмасида педагогик таълим ва амалиёт бўлими ташкил қилиниши аини мудоао. Узоқ йиллар мобайнида муассасада таълимнинг замонавий технология ва методларини ишлаб чиқиш, жорий қилиш бўйича бой тажриба тўпланган. Узлуksиз таълим тизимининг барча бугини учун яратилган ўқув-методик адабиётларнинг катта қисмига ОТМ жамоаси аъзолари муаллифлик қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Таълим мактабларида ўқитиш сифатини ошириш орқали жамиятда инсон капиталини ривожлантириш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш учун пойдевор яратилади. Ана шундай пойдеворни барпо этиш учун унинг мезмورлари — бўлгуси ўқитувчилар ўз фанини мукаммал билиши, юксак педагогик маҳоратга, янги методикаларини ишлаб чиқиш ва ундан самарали фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши шарт ва зарур. Бундай улкан вазифани бажариш, ўз навбатида, олий педагогик таълим мазмунини ва инфратузилмасини янги босқичга олиб чиқишни талаб қилади. Зеро, бугунги ислохотларга оғиммасдан амал қилинса, албатта, қутилган натижага эришиш шубҳасиз.



 ФИКР

ТАЪЛИМНИНГ КАЛИТИ НУТҚ, ТАРБИЯНИКИ ЭСА ХУЛҚ



Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ, профессор

 Бошланиши 1-бетда

Ўқитувчи билимдон, ахборот технологияларини обдон ўрганган, чет тилини билиш даражаси бўйича махсус сертификатларга эга, ҳатто бўйи баробар китоб, монография, илмий мақолалар ёзган бўлса ҳам таълимнинг сифати ва самараси таъминланиди, дегани эмас. Бу масаланинг бир томони, холос. Чунки таълим сифати ҳақон микёсида соҳага оид ангилки ва билимларни пухта ўрганиш, ҳамкорлик ришталарини боғлаш, етук мутахассис, малакали ўқитувчилар тажрибасини омалаштириш бадалига таъминланиши асосий мақсаддан йироқ эмас.

Ўқитувчи нутқ маданияти, тил имкониятидан ўринли ва унумли фойдалана олмаса, бошқача айтганда, коммуникатив компетентлик даражаси, нотиклик маҳорати етарли бўлмаса, албатта, сифатли таълим талаби юзага чиқмайди. Бу ўринда ишнинг қўзини билиш, деган ибора бежиз ишлатилмаган. Етарли билимга эга, лекин фан мавзусини, билим, қўниқма ва малакани ўқувчи ёки талаба онгига сингдириш механизми — коммуникатив компетентликини, нутқ маданиятини, машхур ўқитувчи намойиш қилиб, буюк ўқитувчи эса илчолмантиради”, деб бежиз айтмаган. Учминчи ва тўртинчи тоифа ўқитувчиларни тайёрламас эканмиз, олдимизга қўйилган мақсадларни, хусусан, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш мушкул. Биз таълим тизимининг барча босқичида педагогларни лингвистик компетенция бўйича тайёрлашис керак. Чунки ўқиган одам таълим бера олганидек, тарбияли кишигина тарбиялаши мумкин.

Давлатимиз раҳбири ўтказган йиғилишлардан бирида халқимиз, хусусан, чет тилларни билиш кераклиги, аммо ўз она тилини билишга мажбурлиги қуйинчалик билан қайта-қайта таъкидланган эди. Шу ўринда маърифатпарвар адиб Исҳоқхон Ибратнинг ўғитлари ёдга келади: “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилларни билиш учун саяъ-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини қўзларига тўтиб қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватаний ишдир”.

Ўқитувчи табиий фанларданми ёки иктимой-сёсий, гуманитар фанлардан

дарс берадими, албатта, она тилининг ифода имкониятлари, нутқ маданиятини тўла эгаллаш зарур. Акс ҳолда, фаннинг, мавзунинг моҳиятини талабага тўлақонли етказа олмайди. Физика қонуниятларини ҳам, кимёвий реакцияларни ҳам, геометрик аксиома ва теоремаларни ҳам, математикага хос тушунчаларни ҳам педагог, шубҳасиз, она тилида — давлат тилида тушунтиради. Агар унинг нутқи чала бўлса, ўқитадиган фани ҳам, ўтадиган мавзуси ҳам чала бўлади.

Хорижий тилини ўрганишга меҳр ўз она тилига муҳаббатдан бошланади. Чунки тил муқояса этиб ўрганилади. Она тили ҳақидаги билим чалами, ўзга тиллар ҳам чала бўлиши аниқ. Демак, нутқ маҳоратига эга, нутқ хусусиятларини билиб, техникасига амал қила оладиган, тили бурро, талаффузи ҳам, тафаккури ҳам аниқ-тиниқ мураббийларни дарсга жалб этиш ва уларнинг риторик маҳоратини ошириш таълимнинг сифати ва самарасига бевосита дахлдор масалалар. Ҳуқмдорлардан бири шу хусусда махсус фармон чиқариб, нутқиди нуқсонини бор муаллим, гарчи билимли бўлса ҳам, синфга қўйилмаслигини тайинланган. Чунки болалар тақлидчи бўлишади, унга эргашишади, деб ҳисоблаган у.

Нутқнинг аниқлиги тафаккур ва талаффузнинг тиниклигидан. Қайси соҳа ва касбда ишламайлик, қайси фандан дарс бермайлик, аввало, ҳаммамиз нутқ маданиятини, нотиклик санъатини яхши эгалланган бўлишимиз керак. Шундагина ўқувчи бизга эргашади, фанимизни севади. Акс ҳолда, айтганимиз бу қулгойдан кириб, уни-сидан чиқиб кетади.

Яқинда таълимнинг сифатини таъминлашда нотиклик санъатининг ўрни бўйича тажриба ўтказдик. Тўрт ўқитувчини чақиртирдик. Улардан икки нафари академик лицей, қолган иккиси коллеж ўқитувчиси эди. Педагогларга беш дақиқалик видеоролик қўйиб бердик ва диққат билан қўриб, кузатганларини гапириб беришни тайинладик. Биринчи ўқитувчи мужмал гапирди, иккинчиси ундан тинирок фикр берди. Учинчиси завқу шавқли таассурот қолдирган бўлса, тўртинчиси эса мавзунини ҳадди аълосига етказиб тушунтирди.

Шунинг учун ҳам Уильям Уорт “Ўртача ўқитувчи баён қилади, яхши ўқитувчи тушунтиради, машхур ўқитувчи намойиш қилади, буюк ўқитувчи эса илчолмантиради”, деб бежиз айтмаган. Учминчи ва тўртинчи тоифа ўқитувчиларни тайёрламас эканмиз, олдимизга қўйилган мақсадларни, хусусан, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш мушкул. Биз таълим тизимининг барча босқичида педагогларни лингвистик компетенция бўйича тайёрлашис керак. Чунки ўқиган одам таълим бера олганидек, тарбияли кишигина тарбиялаши мумкин.

Педагогнинг ўз устиди ишлаши, аввало, сўз устиди ишлашдан бошланади. Таълимнинг қалити нутқ, тарбиянинг қалити хулқ билан эканини англаш муҳим. Нутқий ва хулқий маданиятга эга инсон комил аталishi ўринли. Демак, чинакам нотик ўқитувчи ўзи ва сўзи ёқимли, шунака етказувчи эмас, балки сингдирувчи бўлиши керак.

 МУЛОҲАЗА

Раъно ИСМОИЛОВА, Низомий номидаги ТДПУ доценти вазифасини бажарувчи, психология фанлари номзоди

Ҳар қандай жамият барқарор ривожланишининг замирида ундаги оилалар фаровонлиги ётиши кундек равшан. Бунга эса оиланинг демография, боалар тарбияси сингари бир қатор вазифаларни бажариши орқали бoрилади. Бунда оиланинг тўлиқ ёки нотўлиқлиги муҳим аҳамиятга эга. Гарчи, оилада ижтимоий-маънавий ҳодиса ўларoқ, ҳар бир аъзо муайян мажбуриятни бажарса-да, қўпинча аёлларнинг муаммолари ҳақида гапириш одатий ҳолга айланиб қолди. Албатта, бу ҳам зарур. Бироқ оила ҳаётида отанинг ўрни доимо бирламчи бўлиб келганини эътибордан қочирсак, мавжуд муаммоларга ечим топшимиз қийин бўлади. Бунинг исботи сифатида оилавий муаммолар кескинлашуви жараёнида оталар ролининг тобора пасайиб бoраётганини эслатиб ўтиш мумкин.

Мамлакатимиздаги ва хориждаги оила-шунос олимлар тадқиқоти шундан далолат беради. Бу, айниқса, эр-хотин ажрашгандан кейин болалар тақдиринда оталар иштирокининг тобора камайиб бoраётганида қўринади. Қўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, мамлакатимизда ажралишларни камайтириш қийин бўлмоқда. Масалан, биргина утган йилда бу кўрсаткич 24 фоиз ошган. Худудлар бўйича энг кўп ажралиш Тошкент шаҳри (5901) ҳамда Фарғона (5445) ва Тошкент (5098) вилоятларига тўғри келади.

Мамлакатимиз шароитида ажралишдан кейин болалар, асосан, онаси билан қолади. Натижада қўпинча фарзандларнинг отаси билан мулоқоти чекланади, баъзан эса тўхтаб қолади. Бунинг сабаби

ОТА НАФАКАТ ТАЪМИНОТЧИ

балки тарбиячи ҳам

чиқиб, васийлик ва ҳомийлик органи отага ижобий хулоса берганини инобатга олиб, болалар билан қўришиш имкониятини бериш ҳақида қарор чиқарган.

Шу ўринда халқимиз орасида отасизликдан фақат болалар ва аёллар азият чекишади, деган бир қараш бoриб, бу унчалик тўғри эмас. Оталар ҳам бундан азият чекади. Ҳақиқатан, бундай ҳолатда эркак фарзанд туғилиши ва оталиқнинг шаклланиши пайтидаги тушунлиқдан ҳам кўпроқ стрессни бошдан кечиради. Уларни иложсизлик ҳолати кўп қийнайди, ҳаёт мароми бузилади. Албатта, отасизлик кўпроқ болалар руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Жамиятимизда шаклланган аънаваний тасаввурга кўра, ота оиланинг моддий таъминоotchиси ҳисобланади. Оилавий масалаларни ҳал этиш, болалар тарбияси кабилар баъзан оналар зиммасида қoлиб кетади. Бу эса турли низо ва оилавий зўравонлиқларга олиб келмоқда.

Хозир эркакларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини белгиллаб бoರುವчи асосий тенденциялар қандай? Мавзу доирасидаги илмий изланиш натижалари оз бўлишига қарамасдан, муайян даражада дастлабки хулосаларни айтиш мумкин. Тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимлик истеъмoл қилиш эркакларнинг жисмоний саломатлигигагина эмас, балки тарбиячи сифатидаги мавқеига ҳам салбий таъсир кўрсатади.



Ўғил болалар ҳаётида она, опа, буви ва аёл ўқитувчилардан иборат тарбиявий муҳитнинг шаклланиб қолгани бир қатор иллатларни юзага келтирмоқда. Бунда меҳнат миграцияси тудфайли оталарнинг оиладан узоқда бўлиши билан боғлиқ омилни ҳам

эътиборга олиш зарур. Қисқаси, агар ота яхши оила бошлиғи бўлса, ўғил энг яхши фасилатларини, аввало, отасидан олади.

Шу ўринда оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳақида тўхталишга тўғри келади. Гап шундаки, қўпинча улар орқали

оилавий кадриятларга зарар етказувчи зўравонлик, фойда ва қўлоп кучга таяниш каби гоълар тарғиб қилинмоқда. Телевидениеда одамлар қанчалик осон учрашиши ва ажралиши (яқин муносабатларда ҳеч қандай кадр-қиммат йўқ) мумкинлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи қўлпаб фильмлар намойиш этилмоқда.

Бугунги оила эгаси, замонавий эркак образи қандай бўлиши керак, унинг қандайдир умумэътироф этилган талаблари мавжудми, деган саволларга қисман жавоб берилди. Гарчи, оиланинг иктимойи-маънавий ҳодиса қўроқ жуда узоқ тарихий ривожланиш йўлида турлича стандартлар яратилган бўлса-да, бугун бу моделлар рисоладагидек ишламаяпти. Шундай шароитда эркаклар замонавийлик ҳамда аънаванийлик ўртасидаги мувозанатини сақлаши керак бўлади. Бироқ бунга эришиш осон эмас.

Эркак ва аёл ўртасида ҳуқуқий жиҳатдан тенглик таъминланиши уларнинг муносабатини ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ ўрганиш талабини илгари суради. Оила институти нуфузини ошириш мақсадида оила ва ота-она маданиятининг маҳаллий аънаваларини мустаҳкамлаш, ўзбек оиласида оталик ва оналик о бўрусини ошириш, ёш авлодни маънавий-маърифий тарбиялаш, ахлоқий фасилатларни устувор йўналишлар қаторига киритиш керак. Қолаверса, ёшларни никоҳ ва оилавий ҳаётга тайёрлаш, шу жумладан, бу йўналишдаги таълим жараёнини услубий жиҳатдан таъминлашни биладиган мутахассисларни мақсадли тарбия тизимини ривожлантириш зарур. Зеро, давлат ва жамиятнинг саяъ-ҳаракатини, жумладан, оилани иктимой шериклиқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ҳар томонлама бирлаштиришгандагина бу муҳим масалада сезиларли ютуқларга эришиш мумкин.



РАҚС САНЪАТИ ГАВҲАРИ

ОЛИМА ЯРАТГАН ТАРИХИЙ МАВЗУДАГИ РАҚСЛАР СЮЖЕТИНИ ВОҚЕАЛАР ЭМАС, БАЛКИ МУШОҲАДАЛАР СИЛСИЛАСИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. У РАМЗИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАСВИР ВОСИТАЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАДИ. РАҚҚОСАЛАР ГЎЁКИ АМУДАРЁДЕК ЖЎШИБ, ХИВА ОСМОННИ ТЎЛДИРИБ ТУРГАН ЮЛДУЗЛАР ТОМОН ПАРВОЗ ҚИЛАЁТГАНГА ЎХШАЙДИ. У ЎТМИШ ФАЛСАФАСИНИ ХАЁЛДАГИ РАНГЛАР, ТИМСОЛЛАР ҲАРАКАТИ, ҚАЛБДАГИ ИЗТИРОБУ ПАРВОЗЛАР ТАСВИРИДА БЕРАДИ. УНИНГ КЎНГЛИНИ ИЛҲОМГА ҚАНОТ БАХШ ЭТУВЧИ ИЖОД ДАРДИ ВА ЗАВҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАЙДИ.

Санъатнинг буюк кучи ва қудрати, сехри шундаки, у инсоннинг орзу ва мақсадларини фақат эзгуликка йўналтиради, қалбга ором, завқ бағишлайди. Ўзбек миллий рақслари худди қадим ўлканинг ўтмиши каби сирли, рамз ва тилсимларга бой, гоҳ мафтункор ва жўшқин, гоҳ ҳазин ҳолатлари, юракларни жунбушга келтиргувчи жозибаси билан дунёни ўзига ром қилмоқда. Унинг жаҳон миқёсида муносиб ўрин эгаллашда, нуфузи юксалиб боришида Ўзбекистон давлат хореография академияси профессори, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубованинг ҳиссаси катта. У саҳналаштирган рақслар томошабин қалбига ҳарорат ва меҳр, гўзаллик бахш этади, мудом яхшилик ва ҳаётсеварликка даъват этади.

Рақс оддий ўйин ёки шунчаки ҳаракатлар йиғиндиси эмас, балки сирли имо-ишоралар воситасида кўнгил орзу-армонларини, изтироблари, пинҳона тўғёнларини томошабинга етказиб, унинг қалбига эстетик завқ бахш этади. Профессор Гавҳар Матёқубованинг илмий изланишларида асосий эътибор Хоразм рақс мактаби гултожи — “Лазги” тадқиқиға қаратилган. Зеро, ҳар бир кашфиётда муаллимнинг тафаккури, маънавий-руҳий имкониятлари, тасаввурлари, тўғёнлари, илҳами ва ижодкорлик истеъдоди бўй кўрсатиб туради.

Уч минг йиллик тарихга эга “Лазги” рақсининг куйлари фаёқулдада оҳангдорлиги, ҳаракатлари жозибаси, жўшқин оташи, раққосанинг ўтли ва ҳур-как нигоҳлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, қалбдаги мудроқ туйғуларни уйғотадди, руҳият, заковат ва ҳиссиётнинг ёруғ оламларига, юксак чўққиларига чорлайди.

Президентимизнинг 2020 йил 28 сентябрдаги “Лазги” халқаро фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарориди таъкидланганидек, “Мамлакатимизнинг бой рақс санъати тарихида алоҳида ўрин эгаллаган Хоразм лазги рақси ўзига хос ижро услуби ва жозибаси билан нафақат Ўзбекистонда, балки чет давлатларда ҳам машҳурдир”.

Гавҳар Матёқубова қадим ўлка тарихининг салмоғи ва залварини, асрлар синовидан ўтиб келаётган маҳобатини севинчу изтироблар шаклида Хоразмнинг мафтункор рақсларига кўчирмоқда. Санъаткор олима сифатида тарихий воқеликлар замиридаги моҳиятни ва инсон руҳий оламини фалсафий мушоҳада этишга, тадқиқотларида олам ва одам, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар узвийлиги, маънавий-маърифий, миллий-маданий қирраларини чуқурроқ очишга интилади. Унинг кашфиётлари рақсдан рақсга бойиб, тиниклашиб, юрт тарихи ва жозибасини, миллий-маданий чизгиларини тула намоён этиб бормоқда. Хусусан, “Лазги афсонаси”, “Анахита”, “Қайроқ сўзлаганда”, “Тошлар тилга кирганда”, “Лаган ўйини”, “Олти халфа”, “Зикр” каби ўта ҳиссиётли тарихий рақсларнинг илмий-фалсафий, бадий-эстетик элементларида ўтмиш ва бугуннинг моҳиятини, чексиз ҳаёлотнинг руҳий бўҳронларини мутлақ бетакрор тарзда идрок этади.

Олиманинг раққоса, тадқиқотчи-этнограф, моҳир балетмейстер, тажрибали хореограф-педагог сифатидаги эзгу фаолияти соҳа тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга. У зиддиятларга бой икки олам — ўтмиш ва келажақ кесишган нуктада қадим Хоразм рақсларининг кўҳна илдизларини этнография ва миллий қадриятлар билан уйғунликда ўрганади. Яратаётган рақслари ва илмий

тадқиқотлари бир-бирининг мантикий-эстетик давомига ўхшайди: улар уйғунлигида “Авесто”нинг мўъжизага тўла “тоҳ”лари, “эзгу сўз, эзгу амал, эзгу фикр” кўнғироқлари, қадим қалъалар садолари жаранглаб туради.

Истеъдод — тафаккур, ирода ва сабот рамзи. Гавҳархоним ўз фаолиятида назария билан амалиётни заргарона уйғунлаштиради, асосий эътиборни асрий қадриятларга эга рақсларимизнинг қадим илдизларини ва миллий қиёфасини сақлаб қолишга қаратади. “Лазги”, “Офатижон лазги”, “Санъат дарғаси” каби рисоаларида Хоразм санъатининг тарихий илдизларини халқ этнографияси, урф-одатлари билан уйғунлаштириб, фалсафий таҳлил ва эстетик тафаккурни синтезлаштиради.

Ўқ илдизи миллат тарихи билан туташ Хоразм “Лазги”си тизимли ижро услубига эга алоҳида туркумдир. Унинг “Масҳарабоз лазгиси”, “Қайроқ лазгиси”, “Дутор

лиқка ўч — у хореограф-балетмейстерлик фаолиятининг асосий қисмини Хоразм рақс мактабининг ибтидоий шакллари, қадим илдизларини аниқлашга бағишлади.

Тинимсиз изланишлари эвазига “Авесто” даврида ўйналган, унутилиб бораётган қадим рақсларни қайта тиклаб, бойитиб, уларни саҳнада жонлантирди. Бу рақслар илчил равишда замонарнинг бир-бирига боғлаб турган Хоразм тарихини жонлантиради, унга янгича руҳ бағишлайди. Уларда асосиқлар, афсонаю ривоятлар тириллади.

Олима яратган тарихий мавзудаги рақслар сюжетини воқеалар эмас, балки мушоҳадалар силсиласи ташкил этади. У рамзий-фалсафий тасвир воситалари билан унумли фойдаланади. Раққосалар гўёки Амударёдек жўшиб, Хива осмонини тўлдириб турган юлдузлар томон парвоз қилаётганга ўхшайди. У ўтмиш фалсафасини ҳаёлдаги ранглар, тимсоллар ҳаракати, қалбдаги изтиробу парвозлар тасвирида беради. Унинг кўнглини илҳомга қанот бахш этувчи ижод дарди ва завқи ҳеч қачон тарк этмайди.

Ўтмиш ва бугунни туташтириб, гўзаллик ташна қалбларга ҳайратомуз завқ бағишлаётган бу кўҳна рақслар ўзбек ва жаҳон саҳналарида мунтазам ижро этилади. 2019 йил 12 декабрь куни Колумбиянинг Богота шаҳрида ЮНЕСКОнинг Номоддий меросини муҳофаза қилиш ва асраш бўйича ҳужуматлараро қўмитасининг 14-сессиясида қадим Хоразмнинг

лиқка ўч — у хореограф-балетмейстерлик фаолиятининг асосий қисмини Хоразм рақс мактабининг ибтидоий шакллари, қадим илдизларини аниқлашга бағишлади.

Тинимсиз изланишлари эвазига “Авесто” даврида ўйналган, унутилиб бораётган қадим рақсларни қайта тиклаб, бойитиб, уларни саҳнада жонлантирди. Бу рақслар илчил равишда замонарнинг бир-бирига боғлаб турган Хоразм тарихини жонлантиради, унга янгича руҳ бағишлайди. Уларда асосиқлар, афсонаю ривоятлар тириллади.

Олима яратган тарихий мавзудаги рақслар сюжетини воқеалар эмас, балки мушоҳадалар силсиласи ташкил этади. У рамзий-фалсафий тасвир воситалари билан унумли фойдаланади. Раққосалар гўёки Амударёдек жўшиб, Хива осмонини тўлдириб турган юлдузлар томон парвоз қилаётганга ўхшайди. У ўтмиш фалсафасини ҳаёлдаги ранглар, тимсоллар ҳаракати, қалбдаги изтиробу парвозлар тасвирида беради. Унинг кўнглини илҳомга қанот бахш этувчи ижод дарди ва завқи ҳеч қачон тарк этмайди.

Ўтмиш ва бугунни туташтириб, гўзаллик ташна қалбларга ҳайратомуз завқ бағишлаётган бу кўҳна рақслар ўзбек ва жаҳон саҳналарида мунтазам ижро этилади. 2019 йил 12 декабрь куни Колумбиянинг Богота шаҳрида ЮНЕСКОнинг Номоддий меросини муҳофаза қилиш ва асраш бўйича ҳужуматлараро қўмитасининг 14-сессиясида қадим Хоразмнинг